

YOSHLAR OVOZI

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА НАФАҚАЛАР МИҚДОРINI ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида:

1. 2018 йилнинг 15 июлидан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ҳамда нафақалар миқдори ўрта ҳисобда 1,07 баравар оширилсин.

2. 2018 йилнинг 15 июлидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи — ойига 184 300 сўм;
ёшга доир пенсиялар — ойига 360 460 сўм;
болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 360 460 сўм;
зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва

меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга берилмаган нафақа ойига 221 190 сўм миқдоридан белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақи ҳамда пенсияларга қўшилган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2018 йилнинг 15 июлидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга ошириладди.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси

Давлат бюджетидан молиялаштирилмаган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, стипендиялар ҳамда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ сарф-харajatлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин. Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар

2018 йилнинг 15 июлидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи мўвофиқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 ноябрдаги "Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида"ги ПФ-5245-сон Фармони (6-банди истисно қилинган ҳолда) 2018 йилнинг 15 июлидан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой мuddатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг уринбосари — молия вазирини Ж.А.Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 2 июль



ЁШЛАР КУНИ: ТААССУРОТ ВА ҲАЙРАТ

Ёшлар кuni мамлакатимизнинг барча ҳудудларида кўтаринки кайфиятда нишонланди. Турли маънавий-маърифий, кўнгилочар тадбирлар, сайил ва спорт мусобақалари келажак эгаларининг ёдида бир умрга муҳрланиб қолди, десак адашмаймиз. Ҳудудлардан муҳбирларимиз хабар беради.

НАМАНГАН

Вилоят марказидаги Ёшлар боғида ўтказилган ош чемпионати барчада катта таассурот қолдириди. Ёшлар иттифоқининг маҳаллий кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган танловда ёш ошпазлар маҳоратини синовдан ўтказди. Таниқил саноаткорларнинг чиқишлари эса, беллашувга янада кўтаринки руҳ бағишлади.

Дошқозонларда ҳар бир туманга хос паловхонтўралар дамланиб, сайил иштирокчиларига тарқатилди.

Зулайхо ЗАЙНИДИНОВА



БУХОРО

Кўҳна ва боқий шаҳарда ўтказилган бўш иш ўринлари ярмаркаси натижасида 32 нафар йигит-қиз ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинди. 49 нафарига эса, ҳуқуқий маслаҳатлар берилди. Ярмаркада 132 та корхона ва ташкилот 480 та иш ўрни билан иштирок этган.

— Бухоро шаҳридаги 30-умумтаълим мактабига ишга жойлашдим, — дейди Шоҳида Олимова. — Бу воқеа айнан Ёшлар кунинда рўй берганидан беҳад хурсандман.

Зулфизар МАВЛОНОВА

Давоми 2-саҳифада

ЎЗБЕКИСТОН КАРЛАР ЖАМИЯТИ АЪЗОЛАРИГА ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Аввал хабар қилинганидек, Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олмазор туманидаги таширфи чоғида Ўзбекистон карлар жамиятининг Кар-соқовлар маданият марказида бўлиб, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар билан танишган ҳамда маданият марказига иккита автобус, Карлар жамиятининг уч нафар аъзосига Тошкент шаҳридан ўй совға қилган эди. 1 июль кuni Ўзбекистон карлар жамиятида ушбу совғалар тантанали равишда топширилди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, маданият ва санъат намояндалари, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон карлар жамияти аъзолари иштирок этди. Тадбирда Ўзбекистон

Республикаси Бош вазирининг уринбосарлари Н.Отажонов, А.Абдуҳақимов, Олмазор тумани ҳокими Б.Раҳмонов мамлакатимизда ногиронлиги бўлган

таъкиллади. Президентимизнинг 2017 йил 1 декабрдаги "Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш



фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг турмуш шароитини яхшилаш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётганини

тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ва жорий йил 11 июндаги «Аҳолининг

ижтимоий заиф қатлами бандлигини таъминлашни рағбатлантиришнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, уларни уй-жой билан таъминлаш, тиббий хизматларни олишида янги имтиёзлар белгиланди.

Ушбу ҳужжатларга мўвофиқ Ўзбекистон карлар жамияти Кар-соқовлар маданият марказининг 450 ўринли биноси тўдан таъмирланиб, замонавий жиҳозланди. 6 гектардан иборат ҳудуд дам олиш сайилгоҳига айлантирилди. Жамият аъзолари истиқомат қилмаган тўрт қаватли ётоқхона таъмирланиб, оилаларга газ плита ва бошқа маиший техника жиҳозлари топширилди. Ҳудудда 600 ўринли тикувчилик корхонаси барпо этилиб,

бугунги кунда 100 дан ортиқ хотин-қиз ишга жойлаштирилди.

Президентимиз жамият аъзолари билан сўхбатда уларнинг яшаш шароити, дам олиши, саломатлиги, фарзандларининг таълим олиши билан қизиқиб, бу масалалар давлатимиз назоратида экани, яқин мuddатда кар-соқов болаларнинг саводхонлиги, тарбияси, яшаш ва даволаниш шароитларини яхшилашга қаратилган алоҳида қарор тайёрлаш бўйича топшириқ берди.

Шахмат бўйича икки карра жаҳон чемпиони Сирожидин Зайниддинов, таъқвондо бўйича Осиё чемпиони совриндори Даврон Хидиров ва рақс тўғараги раҳбари, халқаро танловлар ғолиби Олег Ошпекговга уй, Кар-соқовлар маданият маркази аъзоларининг ижодий сафарларига қулайлик яратиш мақсадида иккита автобус совға қилинишини айтди.

(Давоми 2-саҳифада)

MUNOSABAT

ВАТАН КОРИГА ЯРАШ — БАХТ

Дунёнинг камдан-кам мамлакатида ёшларга бағишланган байрамлар нишонланади. Истиқболи порлоқ бўлишини астойдил хоҳлаган давлатгина эртасининг эгалари — ёшларга юксак ишонч бдириб, эътиборини дарин тутмайди, асраб-авайлайди. Ўзбекистонимиз, шаксиз, ана шундай давлатлар сафидан жой олган.

Ёшларни эзгу мақсадлар сари бошлашга хизмат қилувчи локомотив куч сифатида майдонга чиққан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи кuni кеча бир ёшга тўлди. 30 июнь — Ёшлар кuni муносабати билан Президентимиз йўллаган байрам табригини катта ҳаяжон билан тингладим. Унда айтилган оташин гаплар мен каби миллионлаб йигит-қизларни

тўқинлантириб, кучига-куч, ғайратига-ғайрат қўшган бўлса, ажаб эмас.

Табриқда қисқа вақт ичида юртимизда ёшлар ҳаётини тубдан ўзгартириш, иқтисодини рўёбга чиқаришга қаратилган бир қанча ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилингани, уларда белгиланган долзарб вазифалар бугун баравж ижро этилаётгани алоҳида таъкидланган. Айниқса, Ватанимизни янада тараққий эттириш йўлида ўз меҳнати, ташаббускорлиги ва маънавий фазилатлари билан бошқаларга ўрнак кўрсатаётган 28 нафар азму шижоати тенгдошимиз илк бор "Мард ўғлон" давлат мукофоти билан тақдирлангани ҳаммасидан унутимас воқеа бўлди.

Президентимиз Ёшлар иттифоқининг ўтган давр-

даги фаолиятига тўхталар экан, ташкилот тезроқ улғайиб, мамлакат ва навқирон авлод вакиллари ҳаётида мустаҳкам ҳамда муносиб ўрнини толиши кераклиги, бунинг учун давлат амалий ёрдам беришга тайёр эканини алоҳида қайд этди. Ёшларни қийнаётган муаммоларга янада кўпроқ эътибор қаратиш, улар учун замонавий иш ўринларини кўпайтириш, эзгу интилиш ва ташаббуслари, инновацион фояларини қўллаб-қувватлаш, ижтимоий-маиший шароитларини яхшилаш бундан буён ҳам барча даражадаги раҳбарларнинг энг асосий вазифаси бўлиб қолиши ҳақидаги фикрлар шахсан ўзини гоёяда руҳлантириб юборди.

(Давоми 2-саҳифада)



ОЛТИН ДАВР
ОСТАНАСИДА

3



ЙЎЛ

4

БАХТЛИ БОЛАЛИК КИТОБДАН БОШLANADI

Болаликнинг завқин, рангин ва сарҳад билмас ҳаёлот олами ривожда китобнинг ўрни беқиёс. Фарзандининг китобга бўлган меҳрини қандай ошириш мумкин? Бунда мактаб, кутубхоналарнинг роли қандай? Республика болалар кутубхонасида бўлиб ўтган «XXI асрда болалар китобхоналиги: муаммо ва вазифалар» мавзудаги конференцияда шу масалалар атрофида муҳокама этилди.

Болалар китобхоналигини ривожлантиришга бағишланган мазкур анжуманга Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги кутубхоналар, мактабдаги ахборот-ресурс марказларининг мутахассислари таклиф этилди.

Республика болалар кутубхонаси директори Д.Уролов ва бошқалар Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан

ёш авлоднинг китобга бўлган меҳри ва қизиқшини ошириш, мутолаа маданиятини янада юксалтириш масаласига доимий эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда миллий қонунчилигининг муттасил такомиллаштирилаётгани матбаа, ноширлик соҳасида янги истиқболларни очиб, болалар нашриётлари учун қулай имтиёз ва иқтисодий имкониятларни яратишда муҳим оми бўлмоқда. Уял-қизларнинг ўқишга бўлган иштиёқини тобора кучайтиришда юртимиз кутубхоналарида ташкил этилаётган китобхонлик кечалари, ёзувчи ва шоирлар билан учрашувлар, жонли мулоқотларнинг аҳамияти катта бўлмоқда.

— Ота-она фарзандига китоб ўқиб бермаса, боланинг китобга бўлган меҳрини уйғотиш қийин, — дейди

Тошкент вилояти Оққўрғон тумани 8-умумтаълим мактаби қошидаги ахборот-ресурс маркази раҳбари Қумри Шарипова. — Шу сабабли китобхонлик тарғиботи бағишланган тадбирларни шунчаки номига эмас, самимий, тасвирчан, ота-оналарни ҳам жалб этган ҳолда ташкил этмоқдамиз.

Конференцияда мутолаа маданияти, кутубхоналарга эътиборни янада кучайтириш, контрафакт-матбаа маҳсулотларининг болалар соғлиғига таъсири, бахтли болалик китобдан бошланади каби мавзуларда маърузалар атрофида муҳокама этилди. Болалар китобхоналигини ривожлантиришда кутубхоналар ролини оширишнинг истиқболлари белгиланди.

Н.УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири

DUNYO BIZ HAQIMIZDA

“fDi MAGAZINE” ДАН
МУНОСИБ ЭЪТИРОФ

Лондонда ишбилармон доиралар учун чоп этиладиган “fDi Magazine” халқаро журналида Ўзбекистонга бағишланган таҳлилий мақола эълон қилинди. Нашр бош муҳаррири Корни Фингарнинг материаллари Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида қисқа фурсатда юртимизда эришилган салмоқли ютуқлар хусусида сўз борган.

Нуфузли нашр ўз ўқувчиларини юртимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш, иқтисодиётни либераллаштириш ҳамда суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш юзасидан қабул қилинган қонун ҳужжатлари билан таништиради. Муаллиф бугунги кунда Ўзбекистон солиқ сисъати ҳамда божхона тизимида жадал ўзгаришлар рўй бера-

ётганини алоҳида мамнуният билан тилга олган. “fDi Magazine” мамлакатда инвестициявий муҳитни яхшилаш борасида амалга оширилган тизимли ишлар натижаси ўлароқ, Ўзбекистон Жаҳон банкнинг “Doing Business — 2018” ҳисоботи бўйича дунёдаги кучли давлатлар ўнлаигидан ўрин олганини ҳам эътироф этган.

БРИТАНИЯ НАШРЛАРИ
ЗАЛВОРЛИ ҚАДАМИМИЗНИ
ЁРИТДИ

Буюк Британиядаги бир қатор интернет нашрларида юртимиз учун халқаро капитал бозорига йўл очилгани ҳақидаги хабарлар тарқатилди.

Хусусан, “fDi Intelligence” веб-сайти бош муҳаррири ўринбосари Якобо Деттони тайёрлаган материалда Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон иқтисодиётини жаҳонга олиб чиқишга доир уринишларини эътироф этилиб, у валюта бозорини либераллаштиришга доир ташаббуси билан экспертларни ҳайратга солгани таъкидланади. “Айнан шу тўғрисида ҳозирда Ўзбекистон дунёнинг кўплаб сармоядорлари эътиборига туша олди”, — деб ёзди Я.Деттони.

Лондон фонд биржаси веб-сайти эса, ўз ўқувчиларини мамлакатимизда Халқаро молия корпорациясининг ўзбек сўмидаги облигациялари савдоси йўлга қўйилгани ҳақида хабардор этди. Мутахассисларнинг қайд этишича, мазкур келишув Ўзбекистон ва Бирлашган Қироллик молиявий ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашга хизмат қилиши, шубҳасиз. Бундай ишонччи “Global Capital” ахборот портали экспертлари ҳам билдирган.

“ССТV7” ДАН
НАВБАТДАГИ РЕПОРТАЖ

Хитой марказий телевидениесининг машҳур “ССТV7” иxtисослашган каналда юртимиз сайёҳлик салоҳиятига бағишланган махсус кўрсатув намойиш этилди.

Эслатиш керак, мазкур телеканал дастурларини бутун мамлакат бўйлаб 1,2 миллиардан зиёд аҳоли томоша қилади. Ўзбекистон ҳақидаги репортажда ўзбек заминидан сақлаб қолган турди асрларга мансуб тарихий ёдгорликлар билан бир қаторда, мамлакатда сайёҳлик саноатини ривожлантириш борасида

кўрилатган чора-тадбирлар, инчунин, туристик хизматлар сифати тобора яхшиланган, йўналишлар тармоғи кенгайётгани қайд этилади. Кўрсатув ижодкорлари Ўзбекистон Буюк ипак йўлида жойлашган, бой ўтмиши ва маданияти, шунингдек, таъми тилда қоладиган миллий таомларига эга қўшна дёнёр эканига урғу берган.

“Дунё” АА материаллари асосида тайёрланди.

CHINGIZ AYTMATOV TAVALLUDINING 90 YILLIGI OLDIDAN

... Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети бош биносининг биринчи қавати. “Чингиз Айтматов ва Ўзбекистон” доимий экспозицияси. Хонага илоҳий нур чўмган. Бу ерга қадам қўйган кишини буюк адибнинг теран маънавий дунёси қарши олади.

Кираверишдаги адибнинг нури портрети сизга синовчан назар солади. Унинг ёнидаги лавҳалардан бирида давлатимиз томонидан буюк ижодкорга тақдим этилган “Дўстлик” ва “Буюк хизматлари учун” орденлари қўйилган.

Залнинг марказий қисмида адиб асарларининг ҳар бири қарийб минг саҳифани ташкил қилувчи уч жилдан иборат, юқори полиграфик сифат ва дизайнда чоп этилган қомусий нашри экспозицияни беэба тўрибди. Ёзувчи ҳаётини оид фотосуратлар, унинг асарларига профессоронал ва ҳаваскор расмолар томонидан ишланган тасвирий санъат намуналари, эсдаликлар, илмий ва публицистик мақолалар жамланмаси тартиб билан териб қўйилган.

Бу ерда буюк адиб билан қилинган суҳбатларнинг аудио ёзувлари, китоб ва асарларининг электрон нусхааларини кўчириб олиш имкони яратилган. Катта экранда



НУРЛИ МАНЗИЛ

Чингиз Айтматовнинг кўплаб расмлари проекцияси, видеоларини томоша қилиш мумкин.

— Ўзбек ва қирғиз адабиёти халқларимизнинг дўстлиги каби қадимий ва муштаракдир. Мазкур экспозиция икки халқ адабиётининг дўстлиги рамзи сифатида ташкил этилган, — дейди доимий экспозиция раҳбари, «Жаҳон адабиёти» журнали бош муҳаррири Аҳмаджан Мелибоев. — Чингиз Айтматов Ўзбекистонни севган, халқимизни ардоқлаган. Адибнинг деярли барча асари таниқли таржимонлар Асил Рашидов, Иброҳим Гафуров, Суюн Қораев, Маҳкам Маҳмудовлар томонидан ўзбек тилига ўтирилган. Ушбу

китоблар адиб фаолиятига оид кўргазманинг асосий бойлиги ҳисобланади.

Юртимизда айтматовшунослик мактаби шаклланган. Бугунги кунда ўттизга яқин тадқиқотчи адиб ижодини ўрганмоқда. Жорий йил 2 апрель кунин Президентимизнинг “Буюк адиб таваллудининг 90 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида” ги қарори эълон қилинди. Унда кўплаб маърифий тадбирлар амалга оширилиши белгиланди. Шу асосда жойларда адиб ижодига бағишланган учрашувлар ўтказилиб, халқларимиз дўстлиги тарғиб қилинмоқда.

Адибнинг ўлмас ижодини ўзбек ўқувчисига яқинлаштириш доимий жараёнга айланади. “Чингиз

Айтматов ва Ўзбекистон” экспозицияси йилдан-йилга бойиб, кенгайиб бораверади. Келгусида янги китоблар, адиб асари асосида ишланган кинофильмлар ҳам кўргазмадан жой олади.

— Ушбу экспозиция биз, талабаларнинг севимли маскани. Бу ерда Чингиз Айтматов ҳаёти ва ижодига доир барча маълумотни топса бўлади, — дейди Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети талабаси Нигора Тошмурадова. — Бу ерда диққатини тортган нарса адиб беш ёшлиғида отаси билан тушган суратнинг асл нусхаси бўлди.

Келгусида мазкур экспозиция ва Бишкек шаҳридаги адибнинг ўғли Элдор Айтматов раҳбарлигида фаолият олиб борилаётган музей билан бевосита ҳамкорликни йўлга қўйиш режалаштирилган. Илм-маърифат маскани бўлган адиб Тошкентда ташкил қилинган атоқли адиб асарларининг кўргазмаси халқимизни туркий дунёнинг улғу сўз санъаткори маънавий олами билан таништиришда муҳим роль ўйнайди.

Дилобар
АСЛИДИН ҚИЗИ,
ЎЗА муҳбири

БАТАН КОРИГА ЯРАШ —
БАХТ

(Бошланиши
1-саҳифада)

Байрам арафасида “Ёшлар — келажакимиз” давлат дастурининг қабул қилинган, Самарқанд ва Тошкент шаҳарларида Марказий Осиё ёшлар форумининг юксак даражада ташкил этилганини ҳам биз, Ўзбекистон ёшлари кўтаринки руҳда қабул қилдик.

Давлатимиз раҳбари табриқда олдимизда турган долзарб вазифалар хусусида тўхталар экан, барчамизни жамият раванқига гов бўлаётган иллатлардан огоҳ бўлиш, уларга қарши курашишда бирлашиш ва маънавий жасорат кўрсатишга чақирди. Ишонч билан айтманки, бу сўзлар менинг қалбимга етиб борди. Буюк маърифатпарвар бобомиз Абдурауф Фитрат дунё кураш майдонига, соғлом тан, ўткир ақл ва яхши ахлоқ эса, бу курашнинг қуролига айланиб бораётганини таъкидлаганида ниҳоятда ҳақ эди. Шундай экан, энди биз, авлодлар ҳам жаҳонга қарши маърифат билан курашимиз даркор.

Табриқ якунида Президентимиз Ўзбекистон ёшларини улғу мақсадларга давлат этди: “Биз — барчамиз, қарера бўлмайлик, ягона Ўзбекистон

фарзандлари эканимизни англаб, шу буюк туйғунни эъозлаб яшасак, албатта, кам бўлмаймиз. Мана шу қувончли кунда сизларни, кўпмиллатли Ўзбекистон халқини ишонтириб айтмоқчиман: биз ёшларга доир давлат сисъатини ҳеч оғинмасдан, қатъият билан давом эттирамиз. Нафақат давом эттирамиз, балки бу сисъатни устувор вазифа сифатида бугун давр талаб қилаётган юксак даражага кўтарамиз. Сизларнинг замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаб, ҳаётда ўз мустаҳкам ўринингизни топишингиз, бахтли бўлишингиз учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз”.

Ёшларга билдирилган бундай ишонч миллионлаб йигит-қизларни янгидан-янги марралар сари бошлашига аминман. Биздан талаб қилинаётгани фақат тинимсиз меҳнат ва ҳаракатдир. Токи, эзгу ташаббусларимиз, эртага ўз самарасини берсин. Демак, шижоатингизни кўрсатиш фурсати етди, азиз тенгдошлар!

Шавкат БОБОЖОНОВ,
Бухоро давлат
университети ўқувчиси,
Ўзбекистон ёшлар
иттифоқи фаоли

ЎЗБЕКISTON ҚАРЛАР ЖАМИЯТИ
АЪЗОЛАРИГА
ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

(Бошланиши
1-саҳифада)

Тадбирда ушбу совғалар ўз эгаларига топширилди. Тошкент шаҳар кар-соқовлар маданият маркази ва Ўзбекистон кар-соқовлар спорт федерацияларига автобуслар совға қилинди.

— Президентимизнинг Ўзбекистондаги ҳар бир одам мен учун қадрли деган сўзлари нафақат мени, балки ҳар бир онанинг кўзларига ёш қалқитди. Чунки у кишининг эътибори мана шундай фарзанди бор

ота-оналар қалбида ҳам ҳаётга бўлган умид учкунини уйғотди, — дейди тазквондо бўйича Осиё чемпионати совриндори Даврон Хидировнинг онаси Гулнора Хидирова. — Икки ўғил, икки қизим бор. Фарзандларим орасида Давронга кўпроқ меҳр бериб ўстирдик. Ўғлим жамиятнинг тўлақонли аъзоси бўлиши учун қилган тинимсиз меҳнатлари туфайли шу даражага эришди. Худо хоҳласа, унинг шоғирлари ҳам мусобақаларда нуфузли ўринларни эгаллаб, мамлакатимиз-

нинг обрусини жаҳонга танитишга ҳисса қўшади.

— Президентимизнинг эътиборидан тўлқинланиб кетдим, — дейди Даврон. — Бу мен каби бошқа ёшларнинг ҳам қийинчиликларини енгиб ўтишида далда беради. Давлатимизнинг менга берган меҳрини, албатта, оқлайман.

Тантанали байрам дастури, файзли дастурхон атрофидаги суҳбат жамият аъзоларига катта хурсандчилик бағишлади.

М.ЭЛМУРОДОВ,
ЎЗА муҳбири

TASHABBUS

ҲАМ САЁҲАТ, ҲАМ САБОҚ

Ёшлар иттифоқининг Хоразм вилояти кенгаши ҳамда Ёш фермерлар кенгашининг ҳудудий бўлими билан ҳамкорлигида “Ёш фермерлар инновацион ривожланиш йўлида” мавзусида тажриба алмашиш семинари ва агро саёҳат ташкил этилди.

Қўшқўпир туманида фаолият юритаётган ёш фермерлар ва соҳага қизиқувчи йигит-қизлар “Элита чорва” масъулияти чекланган жамияти фаолияти билан танишди. Ҳазораспик ёшлар эса, “Ғулмобой Икромбой” фермер хўжалигида бўлди. Хўжалик раҳбари Икром-



бой Исмоилов фаолиятини ўн икки йил муқаддам 15 бош қора мол билан бошлагани, ҳозирда чорвалари сони 500 бошдан ошганини айтиб, бунинг замирида матонатли меҳнат этганини таъкидлади.

Бизнес саёҳатга жалб этилган ёшлар кредит

олиш тартиби ва бу борда яратилган имтиёзлар, чет элдан келтирилган насли молларни маҳаллийлаштириш каби масалалар юзасидан ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олди.

Зухридин
АБДУСАТТОРОВ

ЁШЛАР КУНИ: ТААССУРОТ ВА ҲАЙРАТ



НАВОИЙ

Ёшлар кунинда Меҳрибонлик уйининг 50 нафар тарбияланувчиси ҳудуддаги ҳарбий қисмлардан бирига ташир буюрди. Саёҳат давомида ўғил-қизлар қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникалар билан танишди. Электрон отиш тренажер-

ларида машқларни бажариб, турникда тортилиш, шашка, шахмат ва арқон тортиш борасида маҳоратини намойиш этди. Ғолибларга диплом, медаль ва эсдалик совғалар топширилди.

Алишер ҒОҒУРОВ



ҚАШҚАДАРЭ

Мухтожларни йўқлаш, уларнинг ҳолидан хабар олиш халқимизга хос фазилатлардан ҳисобланади. Ёшлар кунинда ҳам ушбу анъана давом этди.

Иттифокнинг Қарши шаҳар кенгаши томонидан 30 нафар ижтимоий ҳимояга

муҳтож, кам таъминланган оила фарзандига кийим-кечак, ўқув қуролларидан иборат совғалар жамланмаси топширилди. Бундай эътибор ва ғамхўрликдан ўғил-қизларнинг боши осмонга етди.

Ахрор СОДИҚОВ

ТОШКЕНТ

Байрам арафасида Зангиота туманида Ёшлар кутубхонаси фойдаланишга топширилди. Бу ерда навростлар мутлола завқини туйиб, китоб ва адабиёт оламига ошно бўлиши учун барча шароитлар яратилган.

Ёшлар кунини туман ҳокими Абдуваҳоб Тамикаев 70 нафардан зиёд фаол ёш билан учрашиб, уларнинг муаммоларини ҳал қилиб берди.

Шоира ОХУНЖОНОВА



САМАРҚАНД

Каттақўрғонлик йигит-қизлар байрамни югуриш марафони билан бошлади. Туманининг марказий кўчалари бўйлаб ҳаракатланган спортсевар ёшлар туман аҳигага гайрат-шижоат улашди. Барчага кўтаринки кайфият бағишлаган марафон ёшлар сайилларига уланиб кетди. Ушбу тадбирлар доирасида ёш фермер ва тадбиркорлар махсуслотлари ярмаркаси, назм ва наво кечалари, ёш расмолар ва хўнарамандлар кўргазмаси,

китобхонлик викториналари ўтказилди. Иттифокнинг маҳаллий кенгаши вакиллари тумандаги носоғлом оила фарзандлари, афв этилган ёшлар билан дилдан суҳбат қуриб, уларни байрам билан қўтлади. Бундан ташқари, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож, жисмоний имконияти чекланган йигит-қизлар ва уларнинг оила аъзолари учун байрам дастурхони ёзилди.

Шаҳноза ХОЛИҚОВА



ИМТИХОНЛАР ШАФФОФ ЎТАДИ(МИ?)

С.ТУРАЙҚУЛОВ



Президентимизнинг 2017 йил 16 ноябрдаги “Республика олий таълим муассасалари бакалавриятига кириш тест синовларини ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорига биноан давлат имтихонлари ўтказиш тартиби тубдан ислоҳ қилинди. Эндиликда синовлар 1 августдан 15 августга қадар, кунига икки мартадан 60 дан ортиқ катта сифимли павильонда ўтказилади.

Шаффофликни таъминлаш мақсадида эса, видеокузатув ва шахсни идентификациялаш тизимлари, металлодетектор каби замонавий қурилмалари қўлланилади. Миллий матбуот марказида ташкил этилган тадбирда давлат имтихонларига тайёргарлик жараёни хусусида сўз юритилди.

Давлат тест маркази мутахассислари таъкидлаганидек, айти пайтада тест синовлари ўтказилмайдиган биноларга керакли жиҳозлар етказиб берилиб, абитуриентлар учун саволлар китоби, титул варағи тайёрланмоқда. Имтихонларда назоратчи сифатида қатнашадиган 8 минг 330 нафар ўқитувчи ва педагог махсус ўқув-семинарларига жалб этилган.

Тадбир давомида иштирокчилар давлат имтихонларини адолатли ўтказиш борасида таклиф-мулоҳазаларини билдириб, ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан жавоб олди.

KUN MAVZUSI

Фурсат оз қолди. Абитуриентлар ҳадик-ҳаяжонда. Ҳужжатларини қўлтиқлаганча танлаган олийгоҳи томон шошади. Бир пайтлар бу “чиғириқ”дан биз ҳам ўтганмиз. Танлаган университетга ҳужжат топшириш учун икки-уч кунлаб сарсон бўлардик. Хуллас, имтихондан кўра ҳужжат йиғиш азоб эди. Карвондек тизилган навбат, биргина имзо ёки муҳр учун пойтахтдан минг километр олдасида вилоятга қайтиб бориш малол келарди.

Ҳўш, ахборот технологиялари тобора ривожланиб бораётган бугунги кунда қабул жараёни қандай кўриниш касб этган? Қоғозбозликларга чек қўйилдими, абитуриентлар учун қандай қулайликлар мавжуд?

Ана шу саволларга жавоб излаб, қабул комиссиялари фаолияти билан танишидик.

Нозима МИЯССАРОВА, Санжар ЭШМУРОДОВ

ОВОРАГАРЧИЛИКЛАР ОРТДА ҚОЛДИ

Президентимиз 2018 йилдан бошлаб мамлакат олий ўқув юртиларига ҳужжат топширишнинг янги тизимини жорий этишни таклиф қилди. Бу тизим абитуриентлар учун анча қулайлик яратиб, ортиқча оворагарчиликка чек қўяди. Мазкур тажриба синов тартибидеда ҳозирда Тошкент давлат юридик университетидеда қўлланилмоқда. Унга кўра, абитуриент юзлаб километр йўл босиб, пойтахтга келиши шарт эмас. Ҳужжатларни қабул қилиш Адлия вазирлиги хузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг 201 та туман ва шаҳар-



да фаолият кўрсатаётган марказлари орқали амалга ошириляпти.

Мўҳими, абитуриентдан 086 шаклдаги тиббий маълумотнома, сурат, шунингдек, яшаш жойидан ҳеч қандай ҳужжат талаб этилмайди. Паспорт, урта махсус, касб-хўнар таълими муассасасининг дипломи ёки шаходатнома, иловалари (асл нусхада), агар мавжуд бўлса, имтиёзни тасдиқловчи ҳужжатнинг ўзи kifфоя. Давлат хизматлари агентлиги вакили уларни электрон базага жойлагач, абитуриентга қайтариб беради.

Бундай содда механизмга аҳолининг муносабати қандай эканини билиш учун пойтахтимизнинг Миробод туманида жойлашган Давлат хизматлари марказига йўл олдик.

— Абитуриентларга сифатли хизмат кўрсатишга ҳаракат қиляпмиз, — дейди марказнинг масъул ходими Шерзод Вафоев. — Ҳозирча бир кунда ўн-ўн беш нафар ёшдан ҳужжат келиб тушмоқда. Қабулнинг сўнгги ўн кунларида уларнинг сони кўпайиши аниқ. Сабabi базилар ҳам касб-хўнар коллежидан диплом олмаган, айримлар қаерга ҳужжат топширсам экан, деган ўй билан юрибди. Абитуриентлар янги тизимдан анча мамнун бўляпти.

Сўхбатимиз давомида бир аёл фарзандини еталаб келди. Ийманибгина турмуш ўртоғи ҳарбий бўлгани ва хизмат вақтида вафот этганини билдириб, фарзандига олий таълим муассасасига киришда имтиёз бор-йўқлигини сурштирди. Масъул ходим хизмат вазифасини бажариш асосида вафот этган, оғир хасталикка чалинган, яралдор бўлган ҳарбий хизматчиларнинг

фарзандлари тавсиянома асосида қабул квотасидан ташқари давлат гранти асосида университетга кириш имтиёзига эгалиги, улар тест топширмаслигини маълум қилди.

Ҳужжат топшириб бўлган ёшларга сўровнома берилиб, янгича тизимга муносабати ҳам ўрганилмоқда. Шу аснода камчилик ва ютуқлар ҳақида ахборот йиғилляпти. Амалиётнинг ўзини нечоғлиқ оқлаётгани эса, абитуриентларнинг юз-кўзию гап-сўзидан ҳам кўриниб турибди.

— Ўтган йили ҳам ўқишга киришга ҳаракат қилганман, — дейди самарқандлик Сардор Раҳмонбердиев. — Ушунда ҳужжат йиғишга бир ой вақтим кетганди. Энди эса жараён анча енгиллашибди. Икки-уч кунлаб университет дарвозасида навбат кутишга ҳождат йўқ. Бу тизим барча олий таълим муассасаларида жорий этилса, айти мудадо.

Ҳужжат топширган абитуриентлар 30 июлда университетга тулланади. Улардан бармоқ изи олиниб, ДТМ варағи берилади. Бу имтихонлардаги қонунбузарликларнинг олдини олиш учун зарур. Умид қиламизки, сўнгги технологиялар давлат имтихонларини шаффоф ва адолат мезонлари асосида ўтказилишига ёрдам беради.

ЯНГИ УНИВЕРСИТЕТДА НИМА ГАП?

Қишлоқдан жияним телефон қилди. Олийгоҳга ҳужжат топширмоқчи экан.

— Қаерга? — сўрадим.
— Биласиз, у-бу нарса қоралаб тураман, бир қатор ижодий ишларим туман газеталарида ҳам чоп этилди. Журналист бўлмоқчиман, — жавоб берди у.

Бирдангина янги университет очилгани хаёлимга келиб қолди.

— Яқинда Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ташкил этилди, хабаринг бордир-а?
— Ҳа, эшитгандим.
— Жуда яхши, унда эртагаёқ керакли ҳужжатларни олиб йўлга туш, университетга бирга борамиз.

Бирйўла у ердаги қабул жараёни билан ҳам танишишни ўйлаб қўйдим...

Асосий бинога кирверишда факультетлар, уларнинг мақсад ва вазифалари, барча таълим йўналишларига ажратилган қабул квоталари, тест синовлари топширилмайдиган фанлар, ижодий имтихон ҳақида тўлиқ маълумот берувчи баннерлар ўрнатилгани айти мудадо. Ичқарилаямиз. Жараён қизгин. Маслаҳатчи абитуриентларга университетнинг таркибий тузилиши ҳақида маълумот бериб, қабул комиссияси томонга йўналтиряпти.

Ота-оналар учун махсус куттиш жойлари ташкил этилган бўлиб, улар бевоесита фарзандларининг ҳужжат

ОЛТИН ДАВР ОСТОНАСИДА



топширишни кузатиб турибди.

— Аввало абитуриентларни таълим йўналишлари билан батафсил таништиряпмиз, — дейди қабул комиссияси техник ходими Ҳилола Файзуллаева. — Сўхбат давомида бу йилги ёшларнинг шижоати ўзгача, журналист бўлишга астойдил интиляётгани сезилади. Айримлари мактаб ва коллежларда ўқиб юрган кезлариданоқ

ган. Бугунгача жами 100 дан ортиқ ариза қабул қилинди.

— Болаликдан телесуҳандонларга ҳавас қилардим, — дейди лисцентлик Александра Белякова. — Уларга ўхшашга ҳаракат қилиб, ойнага қараб овозим борича шеър ўқирдим. Уйдагилар ҳам мени “журналист”, деб қақиради. Телерадио журналистика йўналишига ҳужжат топширадим. Салкам



зидентимизнинг “Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Фарғона минтақавий филиалини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори билан Қўқон шаҳридаги Туризм ва сервис касб-хўнар коллежидеда янги олий ўқув юрти ўз фаолиятини бошлади.

2017 йилда актёрлик санъати: мусиқали театр актёрлиги таълим йўналишига 25 нафар талаба ўқишига қабул қилинган. Соҳага бўлган эҳтиёж ва талабни инобатга олиб, бу йил йўналишлар сони кўпайтирилди. Энди абитуриентлар актёрлик санъати, режиссёрлик, халқ ижодиёти (фольклор ва этнография), халқ ижодиёти (ашула ва рақс), кутубхона-ахборот фаолияти таълим йўналишларига ҳужжат топшириши мумкин. Умумий квота 70 та. Шундан 17 таси давлат грантига ва қолган 53 та урин тўлов-контракт учун ажратилган.

Айти кунларда институт абитуриентлар билан гавжум. Бу ерда тиббиёт хонаси, Ахборот-маслаҳат маркази ҳамда қўшимча маълумотлар олиш учун “Call center” ташкил этилган.

Адолатли таъминлаш мақсадида ҳужжатлар қабул қилинадиган жойларда видеокузатув камералари ўрнатилган.

ESHITDINGIZMI?

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ташаббуси билан Термиз шаҳрида “ақлли бекатлар” фойдаланишга топширилди. Ҳозирча иккитаси қуриб битказилган. Тез орада уларнинг сони ўнтага етказилади.

Роҳатой ҚОДИРОВА

Ойнаванд бекатга кирган йўловчилар бепул Wi-Fi интернет тармоғидан фойдаланиши, мобил телефон ёки бошқа шу турдаги қурилмаларни

қувватлантириши, электрон табло орқали автобусларнинг ҳаракатлини жадвали тўғрисида маълумот олиши, зарурат туғилганда эса, тезкор ёрдам



хизматлари билан боғланиши мумкин. Ҳар бир бекат ёзги-қишки кондиционер

билан таъминланган. Электр энергияси эса, қуёш панели орқали етказиб берилади.

ЮРТИМИЗДА ИННОВАЦИОН БЕКАТЛАР ПАЙДО БЎЛДИ

ИННОВАЦИОН БЕКАТЛАР ПАЙДО БЎЛДИ

ОАВнинг турли тармоқларида фаолият олиб борган. Ўқишга кириб олсам бўлди, ижодий имтихонлари бор, янги университетга кириш осон бўлади-да, қабилидаги ўй-фикрлар билан ҳужжат топшираётган абитуриентлар йўқлиги бизни қувонтирди.

Ҳужжатлар интернет журналистикаси ва ижтимоий тармоқлар ҳамда халқаро журналистика, жамоатчилик билан алоқалар факультетлари таркибидеги саккизта йўналиш бўйича қабул қилинмоқда. Медиадизайн, медиамаркетинг ва реклама таълими йўналишлари жорий этилгани Ўзбекистон журналистикасида ўзига хос янгиликдир. Шу соҳаларга қизиқиш билдираётган абитуриентлар сони ҳам оз эмас.

Янги университетга жами 100 нафар талаба қабул қилинади. Шундан давлат гранти асосида 31 та, тўлов-контрактга 69 та ўрин ажратилган.

уч йилдан бери зарурий фанлардан тайёргарлик қиляпман. Бадиий адабиётлар мутолаасини қанда қилганим йўқ. Насиб этса, албатта, янги университет талабаси бўламан.

Маълумот ўрнида айтиб ўтиш лозим, ижодий имтихонлар оғзаки ва ёзма кўринишда бўлиб, 63 баллгача баҳоланади. Тест синовлари Инха университети биносидеда ўтказилиши кутилмоқда.

МАНА СИЗГА ҚУЛАЙЛИК!

Аваллари шаҳар ва туманларда олий таълим даргоҳлари ташкил этилиши мумкинлиги хаёлимизга ҳам келмаган. Буни қарангки, бугун кўпгина ҳудудларда янги олийгоҳлар очилмоқда. Бу маҳаллий аҳолига анча қулайлик туғдираётгани айти мудадо. Хусусан, ўтган йили Пр-

Бундан ташқари, www.dsmi-qf.uz, ижтимоий тармоқларда махсус каналлар очилган бўлиб, уларда қабул жараёни бевоесита акс этган видеороликлар ва бошқа маълумотлар бериб боришмоқда.

— Санъат ва маданият институтига кириш орзум, — дейди Қ.Норматов. — Аммо пойтахтга бориб ўқиш имконим йўқ. Мана энди бемалол ўз шаҳримда таълим олишим мумкин. Халқ ижодиёти йўналишига ҳужжат топширдим.

ВОҲАДА ҚАБУЛ ЖАРАЁНЛАРИ ҚИЗГИН

Шиддат билан ривожланиб бораётган компьютер технологиялари даврида теран фикрли, инновацион фаолиятга мойил кадрларга бўлган талаб ошиб бормоқда. Шундай пайтда маълумотиёвий аҳолисининг 15 фоизига олий маълумотли экани ачинарли ҳол. Шу туфайли давлатимиз раҳбари вилоятларга ташрифи чоғида, ҳудудларнинг ижтимоий, географик ҳолатидан келиб чиқиб, пойтахтдаги олийгоҳларнинг филмалари ҳамда янги таълим муассасаларини очиб бўйича тегишли топшириқлар бермоқда. Хусусан, жорий йилнинг 19-20 январь кунлари Сурхондарё вилоятига ташриф буюрганда Президентимиз бир неча университетлар филиалларини ташкил этиш таклифини билдирган. Шулардан бири Термиз давлат университетининг Денов филиалидир. Ҳозирда таълим даргоҳига қабул жараёнлари қизгин кетмоқда.



Жорий ўқув йилида мавжуд 11 та факультетга 500 нафардан ортиқ йигит-қиз қабул қилиниши белгиланган. Фақат туман ёшлари эмас, балки бошқа вилоятлар, ҳаттоки қўшни мамлакатлардан келган йигит-қизлар ҳам бу ерда тахсил олиш истagini билдираётгани қувонарли.

Ҳозиргача 1 минг 689 нафар абитуриент ҳужжат топширди. Қабул жараёнида ёшларга университетдаги таълим йўналишлари ҳақида батафсил маълумотлар, давлат имтихонларини топшириш борасида керакли тавсиялар беришмоқда.

— Филиалдаги шароитлар ҳавас қилишга арзигulik, — дейди абитуриентлардан бири Шаҳзод Ҳасанов. — Университетнинг уйимга яқин экани ҳам айти мудадо. Шу ерда ўқиб, воҳамнинг, қолаверса, туманимнинг ривожланишига ҳисса қўшишни мақсад қилганман.

Сурхондарё вилоятида 3 минг нафардан ортиқ шифокорга эҳтиёж бор. Шунингдек, қишлоқ оилавий поликлиникалари ходимларининг 50 фоизи олий маълумотга эга эмас. Ушбу муаммоларга ечим сифатида Тошкент тиббиёт академиясининг Термиз филиали фаолияти ҳам йўлга қўйилди.

2018/2019 ўқув йилида 350 нафар ёш қабул қилиш режалаштирилган. Шундан 300 нафари давлолаш, 50 нафари педиатрия факультетидеда тахсил олади. Ҳозирга қадар икки мингга яқин ҳужжат топширилган.

FOTOLAVHA



Ж.ЭРКИНОВ

Наманган шаҳридаги Ёшлар марказида миллий музика тўғрисида мавжуд. Унда 52 нафар ўқувчи миллий чолғу асбоблари, фортепиано ҳамда вокал йўналишларида сабоқ олмақда. Тўғрақ раҳбари, Наманган давлат универ-

ситети битирувчиси Зафар Зарифхоннинг айтишича, дастлабки машғулотларда ўғил-қизлар ўзбек музикасининг олтин меросидан жой олган кўшиқ ва куйларни ўрганади. Бундай ёндашув ёшларни қадриятларга ҳурмат руҳида тарби-

ялашда асқатмоқда.
Сурата: Зафар Зарифхон шогирдлари — Мубошер Шомирбоев ва Бекзод Раҳмонов билан “Келгин, ёр, ўйнайлик” кўшигини ижро этмоқда.

Наргиза УМАРОВА

“YOSHLAR OVOZI” TAQVIMI

2-7 ИЮЛЬ кунлари пойтахтимиздаги “Zero Line” галереясида жаҳонга машҳур буюк rassomлар ижодига бағишланган махсус тақдиротлар ўтказилади. Ташриф буюрувчилар Леонардо да Винчи, Рембрант, Микеланжело, Босх, Густав Климт, Рафаэль, Караважод ҳақида қизиқарли маълумотларни билиб олиши мумкин. Таъбирларга кириш пулли.

UZBEKISTAN

5 ИЮЛдан “Ўзэкспомарказ” миллий кўргазмалар мажмуасида “Textile Expo Uzbekistan – 2018” 15-Марказий Осиё халқаро ихтисослашган кўргазмаси иш бошлайди. Унда тўқимачилик саноати маҳсулотлари намойиш этилади. Экспозиция ўн битта бўлимдан иборат бўлиши кутилмоқда.

7 ИЮЛга қаар Қозоғистоннинг Остона шаҳрида “Евразия” халқаро кинофестивали бўлиб ўтади. Нуфузли форумда Кинематографияни ривожлантириш маркази ҳамда Ёш киножодкорлар кенгаши вакилларидан иборат Ўзбекистон делегацияси ҳам иштирок этади.

Фестиваль дастурига юртимиз киножодкорлари томонидан суратга олинган “Назира” бадиий фильми, шунингдек, “Сабот” ва “Мама” деб номланган қисқа метражли картиналар киритилган.

Н.БАҲОДИРОВА тайёрлади.

ЭНЦИКЛОПЕДИК МАЪЛУМОТ

Ўзбекистонда қушларнинг 24 туркумга мансуб 410 га яқин тури бор. Улардан 184 тури чумчуқсимонлар туркумига кирилади. Шу билан бирга, 24 тури, жумладан, бирқозон, жингалакдор бирқозон,

оқ лайлак, қора лайлак, қизил ғоз, вишилоқ оққуш, кичик оққуш, мрамар ўрдак, оқбоз ўрдак, сувқийғир, узун думли сувбургут, оқдум сувбургут, кичик бургут, қирғий бургут, чўл бургути, қиронқора,

болтаютар, қумой, илонхўр бургут, маллабош лочин, итолғи, оқ турна, оддий тувалоқ, бизғалдоқ, йўрға тувалоқ, қорабовур, торғоқ, осий лойхўраги, қум чумчуқ ва бошқалар “Қизил китоб”га киритилган.

BILASIZMI?

2018 ЙИЛ 1 ИЮЛДАН БОШЛАБ ЮРТИМИЗДА:

- ФХДЁ органлари туман (шаҳар) ҳоқимиятлари тасарруфига ўтказилади;
- Адвокатура
- адвокатлик лицензиясини олиш учун мажбурий стажировка ўташ муддати олти ойдан уч ойга қисқартирилади;
- электрон тижорат орқали дори воситалари ва тиббиёт буюмларини реализация қилишга руҳсат этилди.

SHAKARXANDA

ЭРКИНБОЙ

- Кимнинг ўғласан?
- Ота-онамнинг.
- Улар ким?
- Эр-хотин.
- Қаерда яшайсизлар?
- Уйимизда.
- Уйингиз қаерда?
- Қўшимиз уйининг ёнида.
- У уй қаерда?
- Айтганим билан барибир ишонмайсиз...
- Айт-чи.
- Бизнинг уйимиз ёнида...



YOSHLIK ILHOMI

ЙҮЛ

Шоҳрух НАЖОТ,
Республика ёш ижодкорлар кенгаши аъзоси

Йулга чиқдим! Ёнимда у ҳам бор. Бу сафар орқага йўл йўқ, балки охиригисидир.
— Севаман!
— ...
— Севасанми?
— ...
Бу суҳбат унда бўлди ми ё тушда? Ўзимга ишонмай унга қарайман. У эса, бутун вужуди билан табассумга айланиб олиб “Нима?” — дейди... “Ҳеч нима”. Айтмабман!...
Орамингиз ширин жимлик сизиб кирди. Машина ойнасида менга нимадир демоқчи бўлиб айтолмай қолиб кетган дарахтларни кузатаман. Ҳар бирда мен борман...
Журъатсиз мен!
— Нега жимсиз?
— Эшитялман!
— Кимни?
— Жимликни.
Ҳа, жимликни тинглардим. У эса, қулоғимга бор овози билан “Айт, айт, айт...” дея такрорларди. “Жим бўл!” — дейман овозим борича унинг тилида. Энди сукунат сасига ҳамма товушлар жүр бўлади. Машина гилдираклари, ойнадан кириб унинг сочларини уйнаётган шамол, шўх куй — барчаси журликда такрорлай бошлайди: “Айт!”. Қўлларим билан қулоғимни беркитиб оламан. Бирданги бари тинди ва унинг томчи сасидай жарангдор овози эшитилди.

— Тинчликми?
— Ҳа!
— Жуда бошқачасиз?
— Қандай?
— Билмасам...
— Нимани биласан?
— Ҳеч нарса, — деб кўзларини олиб қочади...
— Менга ҳам ўргат!
— Нимани?
— Ҳеч нимани билмасликни...
— ...
Яна индамайман. Индаёлмайман. Вужудимда уйғонган қалтироқ машина гилдиракларида чиқараётган титроққа қўшилиб мени турткилайди. Қўзларимни юмиб тинчланишга уринаман. Елкамда пайдо бўлган ёқимли оғирликдан сесканиб кетаман. Елкамга бош қуйиб ухлаётган фаритани узоқ кузатаман...
Танамдаги беҳаловатлик мени тарк этади. Рухимнинг сокин хилватига яшириниб ётган туйғуларни машина ичига сочиб юбориб, димоғимни қитиклаётган сочлар ифорини юрагимга қамайман. Бошимни чап томонимга ташлашим билан хаёлимда, тушимдами суҳбат бошланади.
— Ҳей!
— Ҳов.
— Қаерга ва нима учун кетяпсан?
— Билмайман. Сиз-чи?
— Мен ҳам...
— Нимани биласиз ўзи?

— Бир нарсани билишни жуда истайман.
— Нимани?
— Бирга кетяпмиз, бирга қайтармиканми?
— Насиб!
— Насиб қилмасачи?
— Унда ҳам ҳеч нарса ўзгармайди...
— Нега?
— Бир кун, албатта, қайтамиз!
— Насиб!
Телефоним жиринглади. У уйғониб кетди. Кўш чекина туриб умид билан менга термиллаётганини сездим. “Ахир, эртага яна чиқасан-ку”, — дейман ичимда. “Етиб келдик”, — менга қараб жилмайиб турган ҳайдовчи кўзимга балодай кўринади...
— Сизга катта раҳмат. Ҳозир дугонам келиб қолади.
— Келаверсин-чи...
— Ана келяпти...
У кўрсатган томондан келаятган қиз кўзимга жонимни олишга келаятган азроилдай кўринади. Тамом! Менда уч сўз айтиш имконияти бор. Кейин фурсат бўлмайди. Бутун вужудим тилга айланиб, сўзлашга чоғланаман.
— Яхши етиб олинглар!
— Сиз ҳам.
Ана улар борган сари кўринмай кетяпти. Тақдирга тан бериб, катта йўл бўйида ўзимга ўхшаб кимларнидир кутаётган симёғоч ёнига туриб оламан. Қулоғимга яна нималардир эшитилди. Бу жуда узоқ давом этади. Бу йўлнинг охири борми ўзи? Товуш эса, яна кучаяди.
— Севаман!
— Биламан...
— Севасанми?
— Севаман!...

Кунгабоқар кунга боқиб қамашса кўзи,
Чақиб кўрмай, ерга pista тўкади ўзи!..



Шоҳрух НАЖОТнинг иллюстрацияси

<p>МУАССИС ЎЗБЕКISTON ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ</p> <p>Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2017 йил 2 августда № 0242 рақами билан қайта ўйхатдан ўтган.</p> <p>БОШ МУҲАРРИР Каримов Фахриддин Турдалиевич</p>	<p>ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ</p> <p>Камолитдин Бекназаров, Мансур Бекмуродов, Лазиз Тангриев, Мадамин Сафаров, Алишер Саъдуллаев, Дилмурод Набиев, Азим Мирзаонов, Нодир Абдуқодиров, Наргиза Умарова — бош муҳаррир уринбосари (“Yoshlar ovozi”); Ирина Кочергина — бош муҳаррир уринбосари (“Молодежь Узбекистана”); Елена Калинина — масъул котиб (“Молодежь Узбекистана”).</p>	<p>Дизайнерлар Абдуллаев Хуршид Уктамжонович</p> <p>Норбоев Жамолитдин Жуманазар ўғли</p> <p>Навбатчи Санжар Эшмуродов</p> <p>Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.</p>	<p>«YOSHLAR OVOZI»дан материалларни кўчириб босиб таҳририят руҳсати билан амалга оширилиши шарт. Таҳририятга келган қўлзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.</p> <p>Таҳририят манзили: 100029, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32. Телефонлар: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97. (371) 233-79-69 (факс). E-mail: yoshlarovozi@umail.uz</p> <p>«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида, А-2 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табоқ, Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41.</p> <p>Индекслар: 203, 3203 Баҳоли қилинган нарҳда.</p> <p>Буюртма Г. 736 Адаби — 12699</p> <p>Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 00.00</p> <p>Офсет усулида босилган.</p>
-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------